

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 1-oktabr, chorshanba № 78 (15820)

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Авалло, сизларни умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий табриклаб, барча-барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Бугун биз мана шу қутлуг айёмни кенг нишонлар эканмиз, сиз, азизларнинг болаларимиз, ёш авлодимизга билим ва тарбия беришдек ўта мураккаб, ўз касбига меҳр ва садоқатни, бутун борлигини бағишлашни, фидойиликни талаб этадиган шарафли меҳнатингиз учун сиз, муҳтарам муаллимлар зоти олдида барчамиз чин қалбимиздан, юрагимиздан сизларга миннатдорлик билдиришни ўз бурчимиз деб биламиз.

Айни шу фикрларни, яъни фарзандларимизни камол топтириш, уларга илму фан сирларини ўргатишдек ғоят масъулиятли ишни адо этиб келаётган инсонларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган олижаноб меҳнатини инобатга олиб, бундан 18 йил муқаддам Ўқитувчи ва мураббийлар кунини таъсис этганимиз ва уни умумхалқ байрами даражасига кўтарганимиз жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг хоҳиши ва интилишини ўзида мужассам этади, десам, ўйлайманки, ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз устозлар, муаллимлар!

Дунёда “ўзбек модели” деб тан олинган, мамлакатимиз миллий тараққиёт стратегиясининг ажралмас қисми бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ўз вақтида қабул қилиб, амалга оширганамиз янги ҳаёт, янги жамият қуришда энг кучли, айтиш мумкинки, энг қудратли омил бўлиб, нафақат таълим соҳасини, балки одамларимизнинг дунёқарашини, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида бугун ҳар қанча ғурурланиб, фахрланиб гапирсак, арзийди, албатта.

Биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга эришиш йўлида, жумладан, энг мураккаб, шу билан бирга, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасида ғоят муҳим масалани ечишда, яъни, биз бошлаган ишларни давом эттирадиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, янгиликка интилиб яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёш авлодни

тарбиялаш борасида ҳақиқатан ҳам қийин ва машаққатли йўлни босиб ўтганимиз, аввал тажрибамизда мутлақо кўрмаган марраларни забт этишга қандай катта меҳнатимиз сингганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Таълим соҳасидаги ноёб дастурларимизнинг ижроси қанча куч ва имконият, қанча маблағни талаб қилгани — бу ўз йўли билан, лекин мана шундай улкан ва улғувор ишларни амалга оширишда айнан сизлар ўзингизни аямасдан, сидқидилдан меҳнат қилганингиз ҳисобидан биз юртимизда бу соҳада туб бурилиш ва ўзгаришларга ҳам назарий, ҳам амалий пойдевор яратдик.

Қанча-қанча янги таълим стандартлари, ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликларни ишлаб чиқиб, амалда жорий этиш, уларни ҳар бир ўқувчи, ҳар бир талабанинг онгу шуурига сингдириш учун бутун соҳа ходимлари, сиз, ҳурматли муаллим ва устозлар бу мактабдан аввало ўзингиз ўтганингиз, беминнат хизмат қилиб келаётганингизни ҳақиқий фидойилик намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

(Давоми 3-саҳифада)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол этиб вояга етказишга қўшган салмоқли ҳиссаси, ёшларга илм-фан асосларини, замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонқуярлиги, таълим-тарбия тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

#### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

**Бердиева Жумагул Амоновна** — Қумқўрғон туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Турдиева Махбурат Махамедовна** — Олмалиқ шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

#### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

**Журамирзаева Махмуда Журамирзаевна** — Учқўрғон туманидаги 34-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Исмаилова Раиса Юсуповна** — Нукус шаҳридаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

(Давоми 2-саҳифада)

1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni

## МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИГА ЭҲТИРОМ

«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад йўлида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийлар халқимиз ардоғида. Бир неча йилдан буён юртимизда 1 октябрь Ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида кенг нишонланаётгани масъулиятли ва шарафли касб эгаларининг обрў-эътибори янада юксалиб, меҳнати кадр топаётганининг ёрқин ифодасидир.

Таълим соҳаси раҳбарлари, фаол ўқитувчи ва мураббийлар 30 сентябрь куни пойтахтимиздаги хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва

эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган замонавий иншоотлар, таълим, маданият-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолияти билан танишди.

Шу куни «Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари, мураббийлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ баркамол авлодни

тарбиялаш, малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим воситаси сифатида таълим соҳасини тубдан ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши, бу борада амалга


оширилган эзгу чора-тадбирлар қўламини ва мазмун-моҳияти билан мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган навқирон авлодни вояга етказиш учун мустаҳкам замин яратди.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг деярли барчаси капитал реконструкция қилиниб, замонавий андозалар асосида юзлаб янги мактаблар қурилди. Мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, «Баркамол авлод» болалар марказлари, спорт, мусиқа ва санъат мактаблари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, уларнинг фаолияти давр руҳига мос тарзда йўлга қўйилди.

(Давоми 3-саҳифада)



Фидойиликка таъзим



Ғолиблик шоҳсупасида



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми, бошлангиши  
1-саҳифада)

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

**Ачиллов Дўсмурот Тошмуротович** — Кармана туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Бердиева Зайнаб Файзиллаевна** — Каттақўрғон туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг директор, Самарқанд вилояти

**Матякубова Гульнора Абдусаматовна** — Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Сабинова Муҳаббат Марковна** — Урганч туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг англиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Султанова Махбуба Кузибаевна** — Фарғона политехника институтининг қошидаги академик лицейининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Тешабаева Матлюба** — Янгйер қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Уматов Сирожиддин Исоқович** — Балиқчи туманидаги 38-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Халилова Нодира Разиқовна** — Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Хомитов Абдували Комилевич** — Зарбдор ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

**Ҳожиёв Баходир Найимович** — Қарши олимпия захиралари коллежининг дзюдо бўйича мураббийи, Қашқадарё вилояти

Юртимизда таълим соҳасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Дўйсенбаев Куралбай** — Нукус автомобиль йўл хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Исроилова Лола Болтаевна** — Булунгур туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Худайназарова Гуёхон Холмирзаевна** — Бўз туманидаги 46-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллаев Акмал Абдуахадович** — Жондор туманидаги 49-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Абдуллаев Валижон Алижанович** — Наманган туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик

фанлари ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Абилқосимов Равшан** — Жиззах туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Акрамов Набижон Курбоневич** — Марҳамат туманидаги 3-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Аскарлова Минавар Рузимовна** — Шовот туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Ашуров Икромжон Мейлиевич** — Термиз саноат ва транспорт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Гайбулаева Гулчехра Джаббаровна** — Сирдарё саноат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сирдарё вилояти

**Даулетиярова Гулшат Жалғасовна** — Қўнғирот нефть ва газ саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Имамова Сайёра Абдурахмановна** — Каттақўрғон шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Кариёва Рано Нигматовна** — Тошкент шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун 2-интернат уйи директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари

**Каюмова Муяссар Абдуллаевна** — Қуйи Чирчиқ туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Набиева Манзура Турсуновна** — Ангрен шаҳридаги 41-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Султонова Қаноат Исломовна** — Хатирчи хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Тажибаев Мамуржан Дадажанович** — Тошлоқ транспорт ва қурилиш касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Ҳожикулов Уктам Нурматович** — Ғузур нефть ва газ саноати касб-хунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

### II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Курбанов Зарипбай** — Хонқа туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Қушшаева Муҳиба Буриевна** — Қарши шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Махмудов Марифжон Мирзакулович** — Минғбулоқ туманидаги 12-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг волейбол бўйича мураббийи, Наманган вилояти

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Ахмаджанов Рустамбек Акрамович** — Наманган қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Ахмедова Дилобархон Долимовна** — Олтинкўл туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг англиз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Досимбетова Улдаулет Кабилловна** — Қорақалпоғистон Республикаси 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

**Жуманиязова Муқаддас Хусиновна** — Хива тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хо-

разм вилояти

**Загребина Наталья Владимировна** — Миробод туманидаги 158-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Ковилева Светлана Геннадьевна** — Навоий қончилик касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Кузиев Шаймурат Джураевич** — Қарши политехника касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Марданова Гавхар Хаитовна** — Самарқанд енгил саноат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Очилова Нурзода Турсуновна** — Бухоро туманидаги «Галаосиё» қурилиш ва транспорт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Рискулова Гулчехра Аноркуловна** — Бекобод туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Султанова Фазилат Бурхановна** — Фурқат агросаноат ва транспорт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Хайдаров Оманкелди Бахридирович** — Фаллаорол туманидаги «Гулистон» қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Хайдарова Дилфуза Гаффаровна** — Шўрчи туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Хачатурян Лариса Рафаиловна** — Гулистон шаҳридаги 1-болалар мусика ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдугафурова Зарифа Саттаровна** — Тошкент давлат техника университетининг қошидаги компьютер технологиялари академик лицейининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Абдуллаев Жасурбек Курбанбаевич** — Урганч олимпия захиралари коллежининг енгил атлетика бўйича бош мураббийи, Хоразм вилояти

**Абдуллаева Нодира Турсуновна** — Шайхонтоҳур туманидаги 115-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Арзуова Несибели Жандуллаевна** — Нукус политехника касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Аллаёров Хазрат** — Қизирқ туманидаги 8-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг кураш бўйича мураббийи, Сурхондарё вилояти

**Атаниязова Заҳура Алламбергеновна** — Нукус саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ахмедова Замира Иззатуллаевна** — Китоб туманидаги 5-«Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

**Бабаходжаева Нигора Гайбуллаевна** — Мирзо Улуғбек туманидаги 112-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Бекматова Зулфия Ашраповна** — Зангиота озиқ-овқат саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Бердиев Ахмад Эшдавлатович** — Пахтачи туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Бобожонова Наргиза Номозовна** — Нарпай туманидаги 33-их-

тисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг англиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Валиева Мухайё Кодировна** — Қўштепа туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Гафурова Муяссар Азатовна** — Эллиқалъа туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактабининг англиз тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Гофурова Дилфуза Омановна** — Яккабоғ саноат ва қайта ишлаш касб-хунар коллежининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Джураева Дилобар Шадиёровна** — Шахрисабз туманидаги 2-болалар мусика ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Джураева Дилором Дадажановна** — Наманган шаҳридаги 6-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Наманган вилояти

**Жумаева Хурматой Холмуратовна** — Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Жураев Эргаш Оромович** — Косон туманидаги 95-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Жўраева Замира Шарифовна** — Бухоро тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Зверев Александр Васильевич** — Тошкент вилояти ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг оғир атлетика бўйича катта мураббийи

**Исматияров Абдулла Ўлмасович** — Булоқбоши педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт коллежининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Калмуратова Халима Юлдашевна** — Нукус тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Курбанова Оминахон Олимжановна** — Фарғона шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Фарғона вилояти

**Мамажонов Умидахон Пазлидиновна** — Бағдод қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Махмудов Шухрат Равшанович** — Ромитан туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Махмудова Гулчехра Урунхажиевна** — Жалолқудуқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Машарипова Сайёра Бахтияровна** — Қўшқўпир туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг англиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Муминова Лола Давроновна** — Тайлоқ туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Намозова Дилфуза Саидовна** — Бойсун туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Нарзуллаев Шароф Норматович** — Денов тоғ-кон саноати касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сурхондарё вилояти

**Пахруддинова Малика Таш-**

**пулатовна** — Мирзо Улуғбек туманидаги 14-болалар мусика ва санъат мактабининг дутор синфи ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Расулова Дилноза Кобилджоновна** — Тошкент политехника касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Сайдахмедова Манзура Одиловна** — Бешариқ туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Сатимов Абдалим Давлатович** — Чуст саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Тажиёв Раҳман Суёнович** — Иштихон туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Туробов Ёрқинжон Ёқуб ўғли** — Ғиждувон туманидаги 65-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Турсунбаев Сайфиiddин Муротович** — Янгиобод туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Хайлаев Маматкул Жумаевич** — Боёвут туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг шахмат бўйича мураббийи, Сирдарё вилояти

**Холмуродова Сайёра Хабибуллаевна** — Жиззах енгил саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Холтурсунов Нурмат Байматович** — Оҳангарон туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Шамсиева Мақсуда Шавқиевна** — Учқудуқ туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг англиз тили фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Эргашева Карамат Анарбаевна** — Мирзаобод туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Эшимов Бахтиёр Раҳматуллаевич** — Навоий давлат педагогика институтининг қошидаги академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Юлдашева Музаияна Ахборовна** — Учтепа туманидаги 287-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Юлдашева Шаҳодатхон Абидовна** — Қўрғонтепа туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Юлдашева Шохида Абиловна** — Тошкент шаҳридаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Юнусов Ҳакимжон Аҳмаджонович** — Уйчи туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Юнусов Эркин Гаппарович** — Жарқўрғон саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Юсупова Наргис Рўзалиевна** — Оққўрғон туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг англиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 29 сентябрь

# ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Мамлакатимиз, давлатимиз учун ҳал қилувчи мураккаб бир даврда сизлар билан бирга таълим соҳасини тубдан ўзгартириб, замон талаб қилаётган даражага кўтаришга эришганимизни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, бу йўлда сиз, азизларнинг қандай қийин бўлмасин, қатъиятлик ва фидойилик кўрсатганимизни, бу буюк мақсад учун белни маҳкам боғлаб меҳнат қилганимизни мен чинакам жасорат деб баҳолайман ва мана шундай олижаноб фазилатларингиз учун барча-барчангизга таъзим қиламан.

Қадрли ватандошлар!

Ҳар бир инсон, ҳар бир отананинг эзгу орзуси бўлмиш соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, шу мақсадда минглаб замонавий ўқув масканлари, болалар спорт иншоотларини барпо этганимиз, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш бўйича амалга оширилган кенг қўламли ишлар, соҳа ходимларининг меҳнатини му-

носиб кадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган самарали тизим ишлаб чиқиб, амалда татбиқ этганимиз ва бошқа кўпгина чора-тадбирлар бугун ўз ижобий натижасини бермоқда. Хусусан, биргина сўнгги беш йилда ойлик иш ҳақи халқ таълими муассасаларида 2,9 баробар, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида қарийб 4 марта, олий таълим соҳасида 3,6 карра оширилгани, минглаб устоз ва мураббийлар, профессор-ўқитувчиларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирлангани ҳам ана шундан далолат беради.

Хурматли дўстлар!

Барчамизга аёнки, бугунги глобал интеграциялашув шароитида, кундалик ҳаётимизга компьютер технологиялари ва Интернет тизими жадал кириб келаётган бир пайтда хорижий тилларни ҳар томонлама пухта эгалламасдан туриб, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқадам бўлиб яшашни тасаввур этиб бўлмайди.

Айни шу мақсадда мамлакатимизда ўтган йилдан эътиборан умумтаълим мактаблари-

нинг 1-синфидан бошлаб чет тилларни ўқитишнинг узлуксиз тизими жорий қилинган янги амалий қадам бўлди. Бу соҳада ишни тўғри ташкил этиш, кутилган самарага эришиш учун аввало мавжуд ўқув-методик базани мустаҳкамлаш, дастур ва қўлланмаларни янада такомиллаштириш, педагог ходимларнинг билим ва малакасини ошириш зарурлиги ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, таълим масканларида «Ziyounet» тармоғи ёрдамида ўқув-тарбия жараёнларини бугунги тараққиёт, миллий ва умумбашарий тафаккур ютуқлари билан узвий боғлиқ равишда олиб бориш, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази фаолиятини кучайтириш, ўқув адабиёти ва қўлланмалари электрон турларининг илмий-услубий савиясини юксалтириш муҳим вазифамиздир.

Айни шу йўналишдаги ишларимизнинг узвий давоми сифатида жорий йилда Жанубий Кореянинг дунёда ном қозongan нуфузли Инха университетининг Тошкент фили-

алини, шунингдек, таълим соҳаси билан боғлиқ бўлган янги ўқув ва малака ошириш марказларини ташкил этганимиз ёшларимиз учун янги имконият ва янги уфқлар очиб бериши муқаррар.

Бугунги кунда дунёда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кўпайиб, инсон қалби ва онгини эгаллаш, биринчи навбатда, ёшларнинг маънавий оламини издан чиқариш, уларни ўз ота-онасига, эл-юртига қарши қўйишга қаратилган таҳдид ва хуружлар кучайиб бораётган мураккаб ва таҳликали замонда ўзининг кимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган ёш авлодгина муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама раванқ топтиришга қодир бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачигидек асрашда, авваламбор, болаларимизни мус-

тақил фикрга эга бўлиб, оқни қорадан ажратишга қурби етadиган инсонлар этиб, бир сўз билан айтганда, ёшларимизнинг иродасини мустаҳкам ва бақувват қилиб тарбиялашда сиз, муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлар бундан буён ҳам куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангизни аямайсиз, деб ишонаман.

Азизларим, қадрдонларим! Давлатимиз, жамиятимиз сизларнинг Ватанимиз тараққиётига қўшаётган катта ҳиссангизни, масъулиятли фаолиятингизни юксак баҳолайди ва қадрлайди. Бу масала келгусида ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади, деб ишонтариб айтмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни кутлуг байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат, эзгу ишларингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, умрингиздан барака топинг, азиз ва меҳрибон устозлар!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИГА ЭҲТИРОМ

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Бугунги кунда таълим ахборот-коммуникация технологиялари ва масофали таълим асосида ривожланмоқда. Бу инновацион жараёнда фаол иштирок этишни тақозо этаётир. Шу боис аввало ўқитувчини илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан унумли фойдаланадиган ижодкор-устоз даражасига кўтаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки бугунги ўқувчи янги фикр, янги маълумот, янги услуб керак.

Ўқитувчиларнинг малака ва маҳоратини ошириш, самарали меҳнат қилиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган ўқитувчилар фаолиятида ўз ифодасини топтомоқда. Педагоглар меҳнатини рағбатлантириш борасидаги ғамхўрлик туфайли ўтган йиллар мобайнида умумтаълим, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги юзлаб устоз ва мураббийлар Ватанимизнинг юксак унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлди. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари борлиги янада қувончлидир.

— Ўқитувчидек шарафли ва заҳматли касб эгаларининг меҳнати истиқлол йилларида эъзоз ва эҳтиром топди, — дейди Андижон вилояти Олтинкўл иқтисодий коллежи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Шукржон Маматқулов. — Президентимизнинг устоз-мураббийларга кўрсатаётган ана шундай эътибори барча педагогларни мустақиллигимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, фарзандларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашдек эзгу ишларда уларга қанот бўлмоқда.

Педагог ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга оид амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида ўқитувчиларнинг ўртача меҳнат ҳақи 2006 йил 1 сентябрга нисбатан 9 баробарга оширилди.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини тўғрисида»ги қарори замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларни пухта билладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шароит яратмоқда.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларининг инглиз, немис, француз



тили ўқитувчиларини қайта тайёрлаш, билим ва малакасини юксалтириш бўйича кўплаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. 2014-2015 ўқув йилида чет тили ўқитувчиларига бўлган эҳтиж таҳлил этилиб, амалдаги ўқитувчиларнинг педагогик юктамаларини 1,5 ставкагача ошириш, бошқа чет тили ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва олий таълим муассасалари биттувчиларининг ишга қилиши ҳисобидан қоплаш чоралари кўрилди.

Чет тили ўқитувчилари Давлат тест маркази томонидан доимий равишда синовдан ўтказилиб, уларнинг маошига қишлоқ жойларда 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларида 15 фоиз миқдорда қўшимчалар бериб борилмоқда. Бу масъулиятли ва шарафли касб соҳибларини ўз устида тинимсиз ишлашга, баркамол авлод тарбиясида янада фаол бўлишга ундамоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 12 нондаги ўқув қуроллари, мактаб сумкасида иборат совғаси таркибидан инглиз, немис, француз тилларида яратилган дарсликлар мажмуалари бўлиб, бу йил 1-синфга борган 587 мингдан зиёд болаларга тўхфа қилинди.

Президентимизнинг 2014 йил 29 сентябрдаги фармонида мувофиқ мамлакатимиз маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида вояга етказишга қўшган салмоқли ҳиссаси, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги жонқуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик

самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар Ватанимизнинг юксак муқофотлари билан тақдирланди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танлови таълим фидойиларининг ўзаро фикр алмашишига, ўқув жараёнига янги аҳамият услуб ва шакллари татбиқ этишга имкон яратмоқда. Ўз фани бўйича ўзига хос тажриба мактаби яратган, ҳар бир дарсни ўқувчиларнинг ёшига мос, қизиқарли ҳамда турли кўргазмалар воситалари билан ўтаётган илғор педагоглар меҳнати туфайли юртимиз таълим тизими, ўқувчиларнинг билим даражаси тобора юксалмоқда.

Тантанали йиғилишда мазкур танловларнинг 2014 йилги ғолибларига диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

— Мазкур кўрик-танлов илғор, ташаббускор, ижодкор педагоглар тажрибасини кенг оммалаштиришга хизмат қилмоқда, — дейди танлов ғолиби, Чилонзор туманидаги 162-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ширин Ниёзматова. — Бу таълим-тарбия мазмунини янада такомиллаштириш билан бирга устозларни ёш авлод тарбиясидек мураккаб ва шарафли ишга масъулият билан ёндашишга, янада фаол бўлишга, давлатимиз томонидан яратилаётган қулайлик ва имкониятларнинг қадрига етишга ундаётир.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида барча умумтаълим мактабларида

«Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгашининг фаолияти йўлга қўйилди. Бу маърифий-маънавий ишлар сифатини доимий таҳлил этиб бориш, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқиш ва иштиёқини кучайтириш, 9-синфни тамомлаган ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Эртаминг эгалари бўлган навқирон авлод ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, Ватанидан рози бўлиб, умр бўйи бунёдкорлик руҳи билан яшайди. Бугун юртимизда замонавий таълим стандартлари асосида жиҳозланган 1,5 мингдан ортиқ академик лицей ва касб-хунар коллежида ёшларга ўзи танлаган йўналиш ва соҳа сирлари ўргатилмоқда. Уларга кучли рақобатни енгган, юқори балл тўплаган ёшлар қабул қилинмоқда. Таълим жараёнига юксак касб маҳорати ва тажрибага эга муҳандис-педагогларнинг жалб қилингани, уларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилаётгани, «колледж — корхона» ҳамкорлиги доирасида ўтказилаётган назарий ва амалий машғулотлар узвийлик касб этаётгани таълим самарадорлигини оширмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз олий таълим тизими бакалаврият ва магистратурадан иборат икки босқичли халқаро стандартга ўтказилди.

Маросимда Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Шохидда Орипова, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбари Энахон Сиддиқова, бокс бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси, ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинлари ғолиби Бектеғон Мелиқўзиев ва бошқалар таълим-тарбия, илм-фан, маънавият ва маърифат тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар келажагимиз эгалари бўлган ёшларни Ватанимизга, буюк аждодларимизга муносиб фарзанд этиб тарбиялашдек эзгу мақсадга йўналтирилганини таъкидлади. Ушбу эзгу мақсадга бутун борлигини бахш этаётган касб соҳибларини қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган ғамхўрлик ва эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Санъат усталари ва ихрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Дилшод КАРИМОВ,  
ЎЗА мухбири



«Saylov — 2014»

# БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ

Сайловни демократик тамойилларга мос равишда очик ва эркин ўтказишда оммавий ахборот воситалари гоят муҳим ўрин тутлади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси қоидалари ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурига мувофиқ оммавий ахборот воситалари 2014 йилги сайлов жараёни кенг ёритиб бориши зарур.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни ёритиш бўйича Ўзбекистон Миллий

телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, шунингдек, «Жаҳон» ахборот агентлиги билан битимлар имзолади.

Ушбу битимлар сайлов жараёнининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш, мамлакатимиз ва чет эл жамоатчилигини Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча тадбирлардан кенг хабардор қилиш мақсадида имзоланди. Битимларда миллий сайлов қонунчилиги — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комис-

сияси тўғрисида»ги қонунлари ҳамда сайлов жараёни тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш ишларини самарали ташкил этишга қаратилган чоратадбирлар кўзда тутилган. Депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти олиб боришда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда бир хил эфир вақти ва босма майдони ажратиш орқали тенг шароит яратилишига алоҳида эътибор қаратилган.

— Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурида кўзда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида амалга оширилмоқда, — деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абду-

саломов. — Ҳамкорлигимизнинг асосий мақсади — жамоатчиликни сайлов кампаниясининг барча босқичлари ҳақида кенг хабардор қилиш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш, сайловчиларга сайлов тўғрисидаги қонунчилик қоидаларини тушунтириш, фуқароларни сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг сайловолди платформалари билан таништириш, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш, сайлов куни онгли равишда овоз бериш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Томонлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг марказий теле- ва радиоканаллари, давлат босма оммавий ахборот воситалари ҳамда мамлакатимизнинг ахборот агентликлари орқали сайловга тайёргарликнинг бориши ҳамда уни ўтказишга оид ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш ва тарқатиш борасида ҳамкорлик қилади.

ЎЗА

2014-yil — Sogʻlom bola yili

Аҳолини, айниқса, оналар ва болаларни юқори даражадаги тиббий кўриқдан ўтказиш, барча саъй-ҳаракатларни соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга йўналтириш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

## Тиббий кўриқ — саломатлик зарови

Оққўрғон тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиника шифокорларининг диққат-эътибори ана шу мақсадларга қаратилган.

Барча қишлоқ врачлик пунктларида тиббий кўриқни муваффақиятли ўтказиш учун шифокорлар икки гуруҳга бўлиниб, аниқланган касалликлар бўйича стационар ва амбулатор шароитда даволаш ишларини олиб бормоқда.

Замонавий тиббий диагностик ускуналар ёрдамида ташхис қўйилиб, касалликлар бартараф этиляпти. Иил бошидан буён тумanning тўқсон фоиздан зиёд аҳолиси тиббий кўриқдан ўтказилиб, улардан ўн беш фоизда аниқланган касалликка қарши чоралар кўрилди.

Туман кўп тармоқли марказий поликлиникасининг фидойи шифокор ва кўли энгил ҳамшираларининг хизматидан барча мамнун.

Оққўрғонлик тажрибали жарроҳ Латиф Қосимов аёллардаги ихтиёрий жарроҳликни лаброскопик усулда тиг тегизмай муваффақиятли амалга оширади. Ушбу марказга нафақат оққўрғонликлар, балки кўшни туманлар аҳолиси ҳам мурожаат қилмоқда.

Маҳалла, мактаб ва коллежларда «Соғлигинг — бойлигинг», «Соғлом онадан соғлом бола», «Соғлигимиз ўз қўлимизда» мавзuida ташкил этилаётган давра суҳбатлари ва учрашувларда шифокорлар фаол иштирок этиб, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этмоқдалар.

Ашурали БОЙМУРОД

«Kamalak» yulduzlari

# Дўстлик байрамига айланган фестивал

Осмондаги юлдузларнинг сони чексиз. Лекин улар ичида ёрқинлари санокли. Бугун ана шундай ёрқин истеъдодли, интилувчан, катта мақсадларни кўзлаётган ўғил-қизлар «Kamalak» юлдузлари» болалар ижодиёти фестивалида кашф этилмоқда.

Шу кунларда мазкур ижодий беллашувнинг туман ва шаҳар босқичи бўлиб ўтмоқда. «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу фестивал ўқувчиларнинг иқтидорини ўз вақтида аниқлаш, интеллектуал салоҳиятини янада ошириш имконини бермоқда. Шу боис беллашувда қатнашиш истагида бўлган

ўғил-қизлар сони йилдан йилга ошиб бормоқда.

— «Kamalak» юлдузлари — 2014» фестивалида олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган ёш ижодкорлар мумтоз мусиқа, миллий чолғулар ихрочилиги, хонандалик, тасвирий ва амалий санъат, бадий ижод каби олти йўналиш бўйича ўз маҳоратини намоиш этапти, — дейди «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати

Марказий кенгаши раиси ўринбосари, республика «Kamalak» болалар ташкилоти раиси Сарвар Ашуров. — Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида юртимиздаги минглаб иқтидорли болалар қатнашмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида голиб бўлганлар танловнинг якуний — республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Ижодий беллашувлар **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**да ҳам қизгин кечмоқда. Танловнинг биргина Нукус шаҳар босқичида 550 нафар ўғил-қиз иштирок этди. Улар олти йўналишда, торли, зарбли ва пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоблари, миллий рақс санъати бўйича гуруҳларга бўлиниб, истеъдодини кўрсатди.

Танлов якунида ўттиз нафар ўғил-қиз фестивалнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичига йўлланма олди.

— Мазкур фестивалнинг бадий ижод йўналишида биринчи ўринни эгалладим, — дейди Нукус шаҳридаги 40-мактаб ўқувчиси Сарвиноз Каримбоева. — Бу ерда кўп



дўстлар орттирдим, ижодий ишларим ҳақида мутахассисларнинг холис фикрларини эшитдим. Фестиваль мен учун тажриба мактаби бўлди. Чунки тенгдошларим билан фикрлашдим, ижодий ишларимизни биргаликда муҳокама қилдик.

**НАВОЙИ ВИЛОЯТИ** Навбахор туманидаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактабида «Kamalak» юлдузлари — 2014» болалар ижодиёти фестивалининг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда уч юз нафар ўқувчи қатнашди.

Иштирокчилар ҳар бир йўналиш бўйича ўзларининг нималарга қодир эканлигини кўрсатди. Ҳакамлар ҳайъати фестивал иштирокчиларининг ижодий қобилияти, интилиши, интеллектуал салоҳиятини муносиб баҳолаб борди. Ўн саккиз нафар ўқувчи танловнинг вилоят босқичида қатнашиш имконига эга бўлди.

Ғолиблар ичида Муҳаррам Имомқулова ҳам бор.

— Беш ёшимдан фортепиано чаламан, — дейди у. — Мусиқага меҳрим, қизиқишим мени ажойиб оҳанглар билан инсонлар қалбига хурсандчилик улашишга ундайди. Бунинг учун тинмай машқ қилишим, фортепиано билан дилдан «суҳбатлашим» керак. Фестивалда иштирок этиб, санъатнинг ўзига хос сирларини ўрганаётганимдан хурсандман.

Танлов ғолиблари диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

«Kamalak» юлдузлари» болалар ижодиёти фестивали нафақат истеъдодларни кашф этаётган танлов, балки иқтидорли болаларни бир жойга жамлаб, уларни ўзаро дўстлаштираётган дўстлик байрами ҳамдир.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,  
«Turkiston» муҳбири

## Maydonda sinalganlar

Юртдошларимиз —  
Ғолиблик шоҳсупасига

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида давом этаётган XVII Осиё ўйинларида Ватанимиз спортчилари эришаётган галабалар барчамизни мамнун этмоқда.

8 — 14 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида эркин кураш бўйича бронза медаль соҳиб бўлган полвон Бекзод Абдурахмонов (70 килограммгача вазн тоифасида) Ўзбекистон ҳисобига дастлабки олтин медални келтирган бўлса, шундан сўнг тўрт нафар спортчимиз — яна бир эркин курашчи Рашид Курбоннов, энгил атлетикачи Екатерина Воронина, байдарка ва



каноэда эшак эшиш бўйича Алексей Мочалов ва Вадим Меньковлар Осиё ўйинларининг ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Осиё ўйинларида, шунингдек, Дилшоджон Турдиев юнон-рум кураши бўйича, Эрнест Эрназаров байдаркада эшак эшиш бўйича кумуш, Серик Мирбеков, Герасим Кочнев каноэда эшак эшиш, Сергей Борзов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов, Александр Тропин тўртлиги байдаркада эшак эшиш бўйича, Юлия Тарасова энгил атлетиканинг еттикураш мусобақасида, Ихтиёр Наврўзов, Умиджон Исманов эркин кураш бўйича, Бесики Салдадзе юнон-рум кураши



бўйича бронза медаль соҳиблари бўлди.

Осиё ўйинларининг кечаги баҳслари ҳам ҳамюртларимиз учун омадли келди.

Таэквондонинг WTF йўналиши бўйича ўтказилган мусобақада Жасур Бойқўзиёв шарафига давлатимиз мадҳияси янгради. Ҳамюртимиз Олимпиада ўйинлари совриндори, икки карра жаҳон чемпиони эронлик Юсуф Карамий, чорак финалда иорданиялик Муҳаммад Алшажаний, ярим финалда эса Жанубий Кореялик Йонграй Шинни мағлуб этди. Финалда таиландлик Наттапат Тантрамарт билан курашган Жасурбек рақибини 7:2 ҳисобида энгиб, Осиё ўйинлари ғолиби бўлди.

Яна бир таэквондочи Никита Рафалович эса Осиё ўйинларининг кумуш медалига сазовор бўлди. У финал йўлида афғонистонлик Забиҳиллоҳ Дав, чорак финалда хитойлик Ванг, ярим финалда Жанубий Корея вакили Йонггеон Сонгни мағлуб этди. Финал беллашувида унга озгина омад етишмади ва шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан ўрин олди.

Мазкур галабалардан сўнг Ўзбекистон делегацияси ҳисобидаги медаллар сони 27 тага етди. Олтита олтин, еттита кумуш ва ўн тўрт бронза медаль билан терма жамоамиз Осиё ўйинларининг юқори поғоналаридан жой олиб турибди.

Ўзбекистонлик  
ҳакам — «Олтин  
хуштак» соҳибу

Бугун Ўзбекистон нафақат машҳур спортчилар, чемпионлар юрти, шу билан бирга нуфузли халқаро мусобақалар, Осиё ва жаҳон чемпионатларини юқори савияда ўткази оладиган мамлакат сифатида ҳам тан олинмоқда.

Бу яқиндагина пойтахтимизда ўтказилган эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича жаҳон чемпионатида ҳам ўз исботини топди. Чемпионатда тўқсондан зиёд давлатдан мингдан ортиқ полвон иштирок этди.

Ушбу нуфузли мусобақа яқунлангач, Бутунжаҳон кураш иттифоқи (United World Wrestling) 2014 йилнинг энг яхши ҳакамларини эълон қилди. Биз учун қувончлиси, тақдирланган уч нафар энг зўр реферидан бири юртдошимиз Тоҳир Фуломовдир. Маҳоратли ҳакамимиз грузиялик Эдишер Мачаидзе, венгриялик Ласло Петер қаторида Бутунжаҳон кураш иттифоқининг «Олтин хуштак» мукофотиغا сазовор бўлди.

Нодирбек Абдусатторов  
кумуш медаль совриндори

Жанубий Африка Республикасида шахмат бўйича саккиз ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик шахматчилар муваффақиятли иштирок этди.

Хусусан, ўн ёшгача бўлган шахмат усталари ўртасида Нодирбек Абдусатторов 8,5 очко билан кумуш медални қўлга киритди. Икки йил олдин Словениянинг Марибор шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати ғолибининг бу гал ҳам чемпион бўлишига ярим очко камлик қилди. Аниқроғи, ҳиндистонлик Нихол Сарин 9 очко билан биринчи ўринни эгаллади.

Жаҳон чемпионатида шунингдек, Нодирбекнинг опаси Баҳора Абдусатторова, Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Ёқуббоев, Темур Игонин ҳам яхши иштирок этди. Жавоҳир ва Нодирбек (Ёқуббоев) чемпионатни 7,5 очко, Темур 7 очко билан яқунлаган бўлса, ўн тўрт ёшгача бўлган қизлар мусобақасида Баҳора Абдусатторова ҳам 7,5 очко тўплади.

**Элмурод НИШОНОВ тайёрлади.**

## Tasviriy san'at

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўرғазмалар залида «Юртимиз ёшлари» деб номланган кўрғазма ниҳоясига етди.

БУНЁДКОРЛИК ВА  
ЯНГИЛАНИШЛАР

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган кўрғазманинг якунига бағишланган тадбирда Юртбошимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ёш авлод истеъдоди, қобилиятини тўла рўёбга чиқариш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Мустақил юртимизда навқирон авлодни буюк аждодларимизга муносиб, ҳам маънан, ҳам жисмонан етук ва баркамол қилиб вояга етказиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз ёшларининг халқаро танловлар, бадий кўрғазма ва биеналелар, санъат фестивалларида муносиб иштирок этиб, юқори натижа ва муваффақиятларга эришаётгани тизимда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасидир.

Муқаддас она диёримизда тасвирий ва амалий санъатни ривожлантириш ва унинг намуналаридан халқимизни баҳраманд этиш, истеъдод эгалари фаолиятини омдалаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг санъатга бўлган меҳри ва қизиқишини янада кучай-

тириш мазкур кўрғазмадан кўзланган асосий мақсадлардан дандир. Республикаимизнинг турли ҳудудларида ижод қилаётган ёш мусаввирлар, ҳунармандлар билан бир қаторда тасвирий санъатга иштиёқи баланд ҳаваскор ўқувчилар ҳам ижодий беллашувда қатнашди. Унда намойиш этилган тасвирий ва амалий санъатнинг турли йўналиш ва жанрларига оид асарларда Ватанимизда амалга оширилаётган ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари ва ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар ўз аксини топди.

— Тенгдошлар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашишда бундай ижодий тадбирларнинг алоҳида ўрни бор, — дейди Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси М. Бозорова. — Шунинг баробарида соҳадаги янгиланган ўрганиб, умрини санъат ва ижодга бағишлаган устозлар, ёш ижодкорларнинг асарлари билан танишиш имконига эга бўлди.

Кўрғазмада фаол иштирок этган ижодкорлар муаллифлик нуқтаи назари, академик рангасвир мактабини давом эттиргани, амалий санъат соҳасида ижодий изланиши, оригинал ижодий пластик фикри, офорт аънанасини давом эттиргани учун қатор йўналишлар бўйича дипломлар билан тақдирланди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**  
**«Turkiston» муҳбири**

Дунёда касблар кўп, уларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда машаққатли ва шарафлидир. Инсон қайси соҳада фаолият юритмасин, унинг камолотга етишида, албатта, устознинг ҳиссаси бор. 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида нишонланиши бу масъулиятли касб эгаларига бўлган эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

СИЗГА ТАЪЗИМ,  
УСТОЗЛАР

Юртимизнинг барча масканларида кенг нишонланаётгани каби Шайхонтоҳур туманидаги 34-умумтаълим мактабида ҳам шу санага бағишлаб «Сизга таъзим, устозлар!» номли байрам тадбири ташкил этилди.

— Ҳар йили Ўқитувчи ва мураббийлар куни мактабимизда кенг нишонланади. Устозларимиз «Энг яхши ўқитувчи», «Энг яхши синф раҳбари», «Энг фаол ўқитувчи» номинациялари бўйича тақдирланди, — дейди мактаб директори Меҳри Раҳимбердиева. — Мамлакатимизда ўқитувчи-мураббийларга кўрсатилаётган бундай эътибору эъзоздан барчамиз мамнунмиз.

Тадбир якунида ўқувчилар устозларни мадҳ этувчи шеърлар ўқиди. Куй-қўшиқ ҳамда рақслар барчага байрамона кайфият бағишлади.

**Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА,**  
**«Turkiston» муҳбири**

1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni



## МЕХРИБОН УСТОЗ

Жиззах шаҳридаги 11-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони соҳиби Муқаддас Жўраевани кўпчилик моҳир педагог, меҳрибон устоз сифатида ҳурмат қилади.

Юзлаб шогирдлар етиштирган тажрибали муаллима дарсларни ташкил этишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиб, ёшларда ушбу фанга қизиқишни оширишга, ҳар бир мавзунини чуқур ўргатишга ҳаракат қилади. Ўқув машғулотида ўзи тайёрлаган кўргазмаларни қуроллардан, замонавий техник воситалардан самарали фойдаланади.

**СУРАТДА:** Муқаддас Жўраева ўқувчилари (чапдан) Ниёза Ўролова, Азиз Раҳматов, Дониёр Ғофуржонов ва Мухлиса Қобилова билан машғулот пайтида.

ЎЗА фотомухбири  
Шерзод НАЗАРОВ олган сурат

## ЁШЛАР — ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ

«Farg'onaazot» акциядорлик жамиятида одам савдосига қарши қаратилган «Соддадил юртдошларимизни ихтиёрий кулликдан халос этайлик» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ҳамда корхона маънавият ва маърифат бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мавзуга оид видеолар намоён бўлди. Бу қизгин мунозараларга сабаб бўлди.

— Ёшларнинг белгиланмаган тартибда хорижга ишлаш мақсадида чиқиши ноҳуш ҳолатларга олиб келадиганига биз намоён этилган лавҳалар орқали яна бир бор гувоҳ бўлдик, — дейди корхона цехи иқтисодчиси Эъзоза Абдуллаева. — Бу барчамизни янада огоҳ бўлишга, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

**Зулхумор ИСМАНОВА,**  
«Камолот» ЁИХ «Farg'onaazot» АЖ  
бошланғич ташкилоти етакчиси

Бекобод тумани Зафар шаҳарчасидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинида янги тикувчилик цехи ишга тушди.

## МАҲАЛЛАДА ЯНГИ КОРХОНА

Ёш тадбиркор Сафарой Бердиева ушбу корхонани ташкил этишда «Халқ банки»нинг туман бўлимидан олган саккиз миллион сўм кредитдан самарали фойдаланди.

— Бугун юртимизда ҳаракат қилган инсон мақсадига етади, чунки уни қўллаб-қувватлайди-

ган давлатимиз, тадбиркорларга кенг йўл очиб берган Юртбошимиз бор. Мен ҳам маҳалламизда корхона ташкил этиб, тенгдошларимни ва вақтинча ишсиз маҳалладошларимни иш билан таъминлашни ният қилган эдим, мана бугун ўн нафар чевар цехимизга ишга жойлашди, — дейди Сафарой Бердиева. — Цехимизда барча зарур асбоб-ускуналар бор, ўн та замонавий тикув ма-

шинаси харид қилдик. Келгусида иш фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида яна ўн та тикув машинасини келтириш режамиз бор. Шу боис яна ўн нафар қизни шогирдликка олганмиз.

Кичик корхонада буюртмалар асосида мавсумий халатлар, махсус ишчи кийимлари ишлаб чиқарилиб, аҳолига етказиб берилмоқда.

Ашурали БОЙМУРОД

### ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Ўрта аср Шарқ алломаларидан Абу Мансур ас-Соалибий Ўзбекистоннинг қайси шаҳрини «...шон-шўҳрат макони, салтанат каъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юдузлари порлаган ва ўз даврининг фозил кишилари йиғилган жой» деб таърифлаган?

Жавобингизни 3 октябрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:  
Ўша танга итальян тилида «gazzetta» (газета ёки газета) деб аталган.

### YONDAFTARCHANGIZGA

Инсонга гўзал хулқи эмиш ҳусни жамол, топгай у гўзал хулқи билан файзу камол. Ҳақ раҳматига агар етишмоқ тиласанг, Шартини шуки: хулқингни мукамал қила қол.

Абдухолик Гиждувоний



## ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Жанубий Америкадаги Анхел, Африкадаги Викториа шаршаралари ҳақида эшитгансиз. Ҳар йили минглаб сайёҳлар уларни томоша қилиш учун боради. Шаршаралар нафақат гўзаллиги, балки ўздан таратаётган салқин, ёқимли шабадаси, мусаффолиги билан кишиларни жалб этади.

Ўзбекистон ҳам ноёб шаршараларга бой диёр. Биргина Хисор қўриқхонасининг ўзидан ўнга яқин ажойиб шаршара бор. Уларнинг энг йириги Сувтушар шаршарасидир. Денгиз сатҳидан 2100 метр юқорида, Сувтушар сойининг бошланғич қисмида жойлашган шаршаранинг баландлиги 84 метр бўлиб, катта қоя тошлар ва арчазорлар орасидан оқиб тушади. Шиддатли оқим сувни кўпиртиб, оппоқ тусга келтиргани учун одамлар уни Суттушар шаршараси ҳам дейди.

Қўриқхона ҳудудидаги Оқ камар, Хўкизбурун, Ҳижовар, Байталдум, Хўжакулбарс, Оқтош шаршаралари ҳам хусну тароватда Сувтушардан асло қолишмайди.